# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ



# РЕЖА

1. Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти, якка тартибдаги тадбиркорлар, улар томонидан амалга ошириладиган фаолият турлари ва ходим ёллаш ҳуқуқи

2. Якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш тартиблари

3. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини қатъий белгиланган ставкаларда тўлаш тартиби

4. Якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган имтиёзлар ва уларни қўллаш тартиби

5. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини декларация асосида тўлашнинг ўзига хос жиҳатлари

# ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

*Жисмоний шахс томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошириш*

**_ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛИК_**



**_ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР_**




*Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахс*

*Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи, бироқ ЯТТ сифатида рўйхатдан ўтмаган жисмоний шахсларга солиқ солиш ва уларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш мақсадида ЯТТ сифатида қаралади.*

***Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 31-модда***

# ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТИШ ТАРТИБИ



# ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.02.2017 йилдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган **Низом асосида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛАДИ**



## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ УСУЛЛАРИ




Давлат хизматлари марказига фуқаронинг ўзи ташриф буюрган ҳолда

Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали Ягона порталда «Бизнесни рўйхатдан ўтказиш» - давлат хизмати (https://fo.birdarcha.uz) орқали

**https://fo.birdarcha.uz**




### Давлат рўйхатидан ўтиш муддатлари (вақти)

| Т/р | Тадбиркорлик фаолияти шаклларининг номи | Давлат рўйхатидан ўтказиш муддатлари |
|---|---|---|
| I. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш | | |
| 1. | Якка тартибдаги тадбиркор, шу жумладан деҳқон хўжалиги, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолияти субъектлари | реал вақт режимида, лекин 30 минутдан ошмаган вақтда |

### Давлат рўйхатидан ўтишда тўланадиган божлар миқдори

| Т/р | Тадбиркорлик фаолияти шаклларининг номи | Давлат рўйхатидан ўтказилганда божлар миқдорлари |
|---|---|---|
| I. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш | | |
| 1. | Якка тартибдаги тадбиркор, оилавий тадбиркор, оилавий корхона, кичик корхона ва микрофирмалар | БҲМнинг 1 бараварида миқдорида |

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ



## Якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган **фаолият турлари**

| Т/р | Фаолият турининг номи |
|---|---|
| 66. | Юкларни автомобиль транспортида ташиш |
| 67. | Йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш |
| 68. | Усимлик, ҳайвонлар ва минераллардан тайёрланган доривор хом ашёни етиштириш, йиғиштириш, тайёрлаш ва сотиш |
| 69. | Гуллар ва декоратив дарахтлар етиштириш ва сотиш (шу жумладан бонсай санъати) |
| 70. | Аквариум балиқлари, декоратив қушлар ва бошқа ҳайвонларни кўпайтириш ва сотиш |
| 71. | Шиша идиш/ ва иккиламчи хом ашёни қаб.қил.хизмат/и (металл чиқинди/идан ташқари) |
| 72. | Риэлторлик фаолияти |
| 73. | Жисмоний ва юридик шахсларга махсус ва қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланган холда хизматлар кўрсатиш |
| 74. | Ташкилотлар учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш бўйича хизматлар |
| 75. | Илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар учун пудрат шартномаси бўйича ишларни бажариш |
| 76. | Матрицали принтерлар ва алфавит-рақам босма қурилмалар учун бўёвчи тасмаларни тайёрлаш ва қайта ишлаш |
| 77. | Қоғозлар ва скоросшивателлар учун конвертлар, папкалар тайёрлаш |
| 78. | Телекоммуникациялар операторларига, провайдерларига воситачилик хизматлари кўрсатиш (абонентлар ёки хизматлар кўрсатувчиларга маълумот-ахборот хизмати кўрсатиш, хизмат кўрсатувчиларнинг хизматлари учун тўловларни қабул қилиш) |
| 79. | Пахта (илгари истеъмолда бўлган) ва жун тозалаш ҳамда титиш хизматлари |
| 80. | Туристик фаолият - турагентлик ва экскурсия хизматлари, шунингдек, гидлар (гид-таржимонлар), экскурсия етакчилари ва йўриқчи-йўл бошловчилар хизматлари |
| 81. | Дурадгорлик иш/и (аҳоли буюртмалари бўйича дурадгорлик ишларини амалга ошириш) |
| 82. | Металлни таъмирлаш ишлари (уй шароитида металлдан тайёрланган маиший буюмларни таъмирлаш (калитларнинг дубликатларини тайёрлаш, соябонларни таъмирлаш, бошқа маиший металл буюмларни оддий таъмирлаш) |
| 83. | Еғоч меъморчилиги (болалар майдончалари ва парк зоналари учун ёғочдан ясалган қурилмалар, ҳайкаллар) |
| 84. | Газламаларга нақшлар солиш (газлама/ ва кийим ашё/ни кўлда бўяш, газламаларга,шу жумладан трафаретли босма ва кўлда расм чизиш усули билан расмлар солиш) |
| 85. | Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш |
| 86. | Туристларга уй-жойни қисқа муддатга ижарага бериш (30 кунгача) |
| 87. | Давлат хизматлари кўрсатишда агент сифатида иштирок этиш |
| 88. | Кўп квартирали уйни бошқариш (малака (аттестация) сертификатига эга бўлганлар) |

*Изоҳ. Агар якка тадбиркор фаолиятнинг асосий турига нисбатан ёрдамчи ҳисобланган фаолиятни амалга оширса, қатъий белгиланган солиқ фаолиятнинг бир тури учун тўланади.*

*Ушбу рўйхатга киритилган фаолият турлари юридик шахс шаклидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.*

*Ушбу рўйхат доирасида ўз фаолиятини амалга оширадиган якка тартибдаги тадбиркорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишлари мумкин.*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги ПҚ-366-сонли қарорига асосан *2023 йил 1 январдан бошлаб:***

ЯТТларга мураккаб бўлмаган **умумий қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари** (бетон қуйиш, бўёқчилик, сувоқчилик ишлари, ғишт ва кафель териш, перфорация, дурадгорлик, чилангарлик ва бошқа умумий қурилиш ишлари)ни, шу жумладан юридик шахслар учун ҳам бажаришга рухсат этилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сонли Фармони билан **ҳунармандчилик фаолиятининг 34 та асосий йўналишлари** тасдиқланган.



# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ



## ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ РЎЙХАТИ

| Т/р | Асосий йўналишлар | Шогирд сони | Т/р | Асосий йўналишлар | Шогирд сони |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Ганч ўймакорлиги | 5 | 18. | Чинни, фаянс ва сопол буюмлари | 10 |
| 2. | Қўлда гилам тўқиш | 10 | 19. | Қимматбаҳо металлдан ясалган заргарлик буюмлари | 10 |
| 3. | Қўлда газламалар тўқиш | 10 | 20. | Ўйинчоқлар | 10 |
| 4. | Тош ўймакорлиги | 5 | 21. | Майда ҳайкалтарошлик буюмлари | 10 |
| 5. | Миниатюра, ранг тасвир, наққошлик ва бўёқли нақшлар | 10 | 22. | Чарм маҳсулотлари | 10 |
| 6. | Кандакорлик, мисгарлик буюмлари | 10 | 23. | Муаллифлик мебелларини тайёрлаш | 5 |
| 7. | Металлдан ясалган буюмлар | 5 | 24. | Ёғочдан тайёрланган халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари | 5 |
| 8. | Тунукадан ясалган буюмлар | 5 | 25. | Печка ва каминлар ясаш | 5 |
| 9. | Миллий пойабзал тайёрлаш | 10 | 26. | Новдалардан буюмлар тўқиш | 10 |
| 10. | Миллий либослар тайёрлаш | 10 | 27. | Мозайка ишлари | 5 |
| 11. | Бош кийимлар тайёрлаш | 10 | 28. | Кўзгу тайёрлаш | 5 |
| 12. | Ёғоч ўймакорлиги | 10 | 29. | Шиша пуфлаш ишлари | 5 |
| 13. | Суякка ўйма нақш солиш | 5 | 30. | Ҳажмли ва шаклли қолипларда қуйилган буюмлар | 5 |
| 14. | Гул босилган газламалар ва чокли буюмлар | 10 | 31. | Соатсозлик | 5 |
| 15. | Каштачилик | 10 | 32. | Эмаллаш ишлари | 5 |
| 16. | Зардўзлик буюмлари | 10 | 33. | Эсдалик буюмлари | 10 |
| 17. | Мусиқа асбоблари | 5 | 34. | Оддий металлардан миллий услубда тайёрланган тақинчоқлар | 10 |

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР ТОМОНИДАН ХОДИМ ЁЛЛАШ

## 2021 ЙИЛ 22 НОЯБРДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 707-СОНЛИ ҚАРОРИ АСОСИДА



*Якка тартибдаги тадбиркорларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган фаолият турлари бўйича* ***5 нафаргача ходимларни ёллаш ҳуқуқи берилди.***

Якка тартибдаги тадбиркорлар белгиланган тартибда **банк ҳисобварағи очгандан сўнг** ходимларни **ёллаш ҳуқуқига эга бўлади**

Якка тартибдаги тадбиркорларга ходим учун Солиқ кодексига мувофиқ **жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ тўлаш мажбурияти** юкланади.

*Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ходим ёллаш ва ёлланган ходимларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш тартиби*

Вазирлар Маҳкамасининг 707-сонли қарори билан тасдиқланган **Низом асосида амалга оширилади**.

# ҲУНАРМАНДЛАР ТОМОНИДАН ШОГИРД ЁЛЛАШ

***УСТА ҲУНАРМАДЛАР***
**17.11.2017 йилдаги ПФ-5242-сон Фармонга асосан**

***+5; +10 нафаргача шогирд***



***МИЛЛИЙ КАТАЛОККА КИРГАН  УСТА ҲУНАРМАДЛАР***
**28.11.2019 йилдаги ПҚ-4539-сон Қарорга асосан**

***шогирдлар сони чекланмаган***







***Ҳунарманднинг шогирди*** — *15 ёшдан ошган, ҳунарманддан ҳунармандчилик фаолияти буюмлари ёки товарлари (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни ўрганаётган жисмоний шахс.*

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТАРТИБЛАРИ

## ЯТТларни солиққа тортиш тартиблари

**➢Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи**

*Товарлар (хизматлар) реализациясидан даромади календарь йилида*

➢100 миллион сўмдан ошмайдиган ЯТТ

**➢Айланмадан олинадиган солиқ**

*Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализациясидан даромади*

➢100 миллион сўмдан ошган, бироқ 1 млрд. сўмдан ошмаган ЯТТ

**➢Фойда солиғи ва**
**➢қўшилган қиймат солиғи**

➢100 миллион сўмдан ошган ЯТТлар ихтиёрий тарзда;
➢1млрд. сўмдан ошган ЯТТ;

**Солиқни тўлаш тартиби:**

Декларация асосида тўлаш **ёки** Қатъий белгиланган ставкаларда тўлаш

**ЯТТлар даромадларидан солиқ тўлаш билан биргаликда қуйидаги солиқларни тўлайди**

- ***Ижтимоий солиқ***
- ***Сув ресурсларидан фой-ганлик учун солиқ*** *(агар фаолиятида фойдаланса)*
- ***Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ*** *(агар фаолиятида фойдаланса)*

# ЯТТ ТОМОНИДАН ДАРОМАД СОЛИҒИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБЛАРИНИ ТАНЛАШ ҲУҚУҚИ

**Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш тартибларини танлаш ҳуқуқи**

*Календар йилида товарларни (хизматларни) сотишдан олинган даромади 100 миллион сўмдан ошмайдиган* ***ЯТТлар даромад солиғини тўлаш тартибини танлаш ҳуқуқига эга***

**Тадбиркор томонидан даромад солиғини тўлаш тартибини танлаш йўллари**

**ФАОЛИЯТИНИ ЯНГИ БОШЛАЁТГАН ЯТТ**

Тадбиркорлик субъекти **давлат рўйхатидан ўтаётган вақтда**

**танлаган солиқ тўлаш тартибини кўрсатиш орқали**

**ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ЯТТ**

**Жорий йилнинг 25 январидан кечиктирмасдан** танланган солиқ тўлаш тартиби тўғрисида

**билдириш хатини тақдим этиш орқали**

*Жисмоний шахс томонидан белгиланган муддатда* ***билдириш хатини тақдим этилмаганлиги*** *унинг даромад солиғини* ***қатъий белгиланган ставкаларда тўлашга розилигини билдиради.***

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ДАРОМАД СОЛИҒИНИНГ ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛАНГАН МИҚДОРДАГИ СТАВКАЛАРИ

| Т/р | Фаолият тури | Қатъий белгиланган бир ойлик сумма (сўмда) | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Тошкент шаҳри | Нукус ш. ва вил.маркази бўлган шаҳарлар | Бошқа шаҳарлар | Бошқа аҳоли пунктлари |
| 1. | **Чакана савдо:** | | | | |
| | *озиқ-овқат товарлари ва ноозиқ-овқат товарлари билан* | 825 000 | 660 000 | 330 000 | 220 000 |
| | *деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан* | 275 000 | 165 000 | 110 000 | 55 000 |
| | *газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан* | 275 000 | 165 000 | 110 000 | 55 000 |
| 2. | **Маиший хизматлар** | 275 000 | 165 000 | 110 000 | 55 000 |
| 3. | **Бошқа фаолият турлари** | 250 000 | 165 000 | 110 000 | 55 000 |
| 4. | **Автомобиль транспортида юк ташиш хизматлари:** | | | | |
| | 3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун | 165 000 | | | |
| | 3 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун | 250 000 | | | |

*Ёлланма ходим тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ЯТТ (солиқ агенти) томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва тўлов манбаида ушлаб қолинади*

# ДАРОМАД СОЛИҒИНИ ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛАНГАН СУММАЛАРДА ТЎЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

## СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР:

Бир нечта фаолият тури билан шуғулланганида, ҳар бир фаолият тури учун алоҳида солиқ тўланади




Фаолият билан икки ва ундан ортиқ аҳоли пунктларида шуғулланганда, ушбу аҳоли пунктлари учун ўрнатилган юқори ставкада солиқ тўлайди

Болалар ўйин автоматлари билан боғлиқ хизматларни кўрсатса, ҳар бир жиҳозланган жой (бирлик) учун солиқни тўлайди




*Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларининг ЯТТ учун солиқ суммаларини ЯТТ фаолиятини амалга ошираdиган жой хусусияти, шунингдек, фаолияти турининг мавсумий тусдалигини инобатга олиб,* ***0,7 дан 1,3 гача бўлган*** *оралиқдаги* ***камайтирувчи ёки оширувчи коэффициентлар*** *белгилаш ҳуқуқига эга*

# ЯККА ТАРТИБДА ТАДБИРКОРЛАР ДАРОМАДЛАРИГА ДЕКЛАРАЦИЯ АСОСИДА СОЛИҚ ҲИСОБЛАШ

**Товарлар (хизматлар)ни реализация қилишдан олинган жами даромад** – **Товарлар (хом ашё)нинг таннархи ва қонунчиликда кўрсатилган товарлар (хом ашё)ни сотиб олиш, сақлаш, сотиш ва маъмурий харажатлар** = **СОФ ДАРОМАД** × **12%**

**ТОВАРЛАР (ХОМ АШЁ)НИ СОТИБ ОЛИШ ХАРАЖАТЛАРИ:**

- *товар/ (хом ашё)ни сотиб олиш нархи;*
- *манзилга бориш ва келиш учун йўл харажатлари;*
- *товарлар (хом ашё)ни олиб келиш бўйича транспорт харажатлари;*
- *меҳмонхона хизматидан фойдаланиш учун қилинган харажатлар.*

**ТОВАРЛАР (ХОМ АШЁ)НИ САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ:**

- *жой ижараси (омборхона, айвон ва ҳ.к.) учун тўловлар;*
- *товарларни қадоқлаш харажатлари;*
- *коммунал тўловлар;*
- *савдо (хизмат кўрсатиш) объектларини иситиш ёки совитиш мосламаларини харид қилиш ёки таъмирлаш харажатлари.*

**ТОВАРЛАР (ХИЗМАТЛАР)НИ СОТИШ ХАРАЖАТЛАРИ:**

- *товарлар (хизматлар)ни етказиб бериш бўйича транспорт харажатлари;*
- *реклама харажатлари;*
- *савдо (хизмат кўрсатиш) шохобчаси учун ижара шартномасига асосан тўланган тўлов.*

**МАЪМУРИЙ ХАРАЖАТЛАР:**

- *тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи ҳужжат-лар учун тўловлар;*
- *тадбиркорлик фаолия-ти учун солиқ тўловлари;*
- *ишчи ва ходимлар учун иш ҳақи тўловлари.*



**Янги рўйхатдан ўтган (декларация асосида солиқ тўлашни танлаган) тадбиркор**

**рўйхатидан ўтказилган ойнинг охирига қадар**

**Фаолият кўрсатаётган (декларация асосида солиқ тўлашни танлаган) тадбиркор**

**жорий йилнинг 1 февралидан кечиктирмай**

**Дастлабки тарздаги ДЕКЛАРАЦИЯ** топширади ва солиқ тўлайди

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ ТАРЗДАГИ ДЕКЛАРАЦИЯ АСОСИДА СОЛИҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

*Декларация асосида ЯТТ даромад солиғини **12 %лик** ставкада тўлайди*

**Декларация асосида солиқни тўлайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар**

**тақдим этилган дастлабки декларация** ёки **солиқ органининг хабарномаси асосида**




даромад олинган ойдан **кейинги ойнинг 15-кунигача** ҳар ойда тўлайди

15 январь, 15 февраль, 15 март, 15 апрель, 15 май, 15 июнь, 15 июль, 15 август, 15 сентябрь, 15 октябрь, 15 ноябрь, 15 декабрь, 15 январь, **1 июнь**

*Йил тугагач, солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади*

Бу сумма билан йил мобайнида тўланган суммалар ўртасидаги фарқ келгуси йилнинг **1 июнидан** кечиктирмай солиқ тўловчидан **ундирилиши** ёки унга **қайтарилиши** керак



# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ



*ЯТТ қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлашни у тадбиркорлик субъекти сифатида давлат **рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан** эътиборан амалга оширади*

*ЯТТ (ҳунарманд) «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси бўлган ва ҳунармандчилик маҳсулотларини (товарларини, хизматларини) ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилишни амалга оширганида қатъий белгиланган миқдордаги **солиқни тўлашдан озод этилади***





*«Ҳунарманд» уюшмасининг аъзоларига берилган солиқ имтиёзлари «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг аъзолари бўлган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи ЯТТларга нисбатан **2023 йил 1 мартга қадар** бўлган давр учун татбиқ этилади.*

*I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган ЯТТ фаолият туридан ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, ойига қатъий белгиланган миқдордаги солиқнинг 50 фоизини, БҲМнинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлайди*



# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ**
**14.07.2018 ЙИЛДАГИ**
**ПҚ-3856-СОНЛИ ҚАРОРИГА АСОСАН:**

***Қишлоқ туманларида***
*(аҳоли сони 5 минг кишидан кўп бўлмаган аҳоли пунктлари)*



***Тикувчи ЯТТ***



***Сартарош ЯТТ***





***Пойабзал таъмирловчи ЯТТ***



***Жамоат ҳаммомларини ташкил этган ЯТТ***

***2023 йил 1 июлгача барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этилган***



Тижорат банки

1-марта микрокредит олганда





ЯТТ




микрокредит олган санадан бошлаб **6 ой мобайнида**



**қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилади**

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ**
**05.04.2018 ЙИЛДАГИ ПҚ-3651-СОНЛИ ҚАРОРИГА АСОСАН:**



***Мактабгача таълим нодавлат муассасасини ташкил этган***
***ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР***









мактабгача таълим нодавлат муассасаси ўз фаолиятини амалга ошира бошлагандан кейин

**10 йил мобайнида**

**барча турдаги солиқлардан озод қилинган**

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

## 28.02.2017 ЙИЛДАГИ ПҚ-2803-СОНЛИ ҚАРОРГА АСОСАН:




***Мўйноқ туманида давлат рўйхатидан ўтган ва ушбу ҳудудда фаолият юритаётган ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР***






қатъий белгиланган солиқ (ҳозирги **даромад солиғининг қатъий белгиланган суммасидан) озод қилинган**



# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

## 2020 ЙИЛ 11 НОЯБРДАГИ ПҚ-4889-СОНЛИ ҚАРОРГА АСОСАН:

*Қарорнинг 1-иловасига мувофиқ Қ.Рес. туманларининг ўзига хос «ўсиш нуқтаси» деб белгиланган иқтисодий фаолият йўналишлари бўйича янгидан ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлари*

*Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражаси паст бўлган Тахтакўпир, Бўзатов ва Шуманай туманларида янгидан ташкил этиладиган саноат йўналишидаги тадбиркорлик субъектлари*

**2024 йил**
**1 январга**
қадар

**ЯТТларнинг қатъий миқдордаги даромад солиғини тўлашдан озод қилинади**

*Қорақалпоғистон Республикасида шароити оғир 45 та маҳалла ва овулда янгидан ташкил этиладиган хизмат кўрсатиш йўналишидаги тадбиркорлик субъектлари*

**2026 йил**
**1 январга**
қадар

**ЯТТларнинг қатъий миқдордаги даромад солиғини тўлашдан озод қилиш имтиёзи қўлланилади**

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ



**29.09.2017 ЙИЛДАГИ ПҚ-3301-СОНЛИ ҚАРОРГА АСОСАН:**

*Навоий вилоятининг* ***Томди, Учқудуқ, Конимех туманлари, Нурота туманидаги Деҳибаланд, Сентоб, Темирковук, Қизилча, Гум ва Чўя аҳоли пунктлари ҳамда Зарафшон шаҳри*** *ҳудудларида*
***рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган***
***ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР***



**2017 йилнинг 1 октябридан**
**2028 йилнинг 1 январига қадар**
қатъий белгиланган солиқ (ҳозирги **даромад солиғининг қатъий белгиланган суммасидан)**
**озод қилинган**

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

## 2021 ЙИЛ 17 ФЕВРАЛДАГИ ПҚ-4995-СОНЛИ ҚАРОРГА АСОСАН:

**Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида:**




**-янги ташкил қилинадиган тадбиркорлик субъектлари**




**ЯТТларнинг қатъий миқдордаги даромад солиғининг 50 фоизини тўлашдан озод қилинди**

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ $480^{2}$-МОДДАСИГА АСОСАН:




Солиқ кодексининг **$480^{1}$**-моддасига асосан солиқ солишнинг алоҳида тартиби қўлланиладиган алоҳида ҳудудлар:

Фарғона вилоятининг:

-Сўх тумани;

- Риштон туманининг Чўнғара маҳалласи;

- Фарғона туманининг Шоҳимардон, Ёрдон маҳаллалари ва Ҳосилот маҳалласининг Тоштепа - 2 кўчаси.

Солиқ кодексининг **$480^{2}$-моддасига** асосан ушбу ҳудудларда солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

**1) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича:**

Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳудудларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган солиқ тўловчилар учун қатъий белгиланган миқдорлардаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи **ҳар чоракда 25 минг сўм** миқдорида тўланади.

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ 483-МОДДАСИГА АСОСАН:




**Сурхондарё вилоятининг Бандихон, Қизириқ, Музработ, Шеробод туманларида**

тоғли ҳудудларида ва ер майдонлари шўрланган ҳудудларида давлат рўйхатидан ўтиб, янгидан ташкил этилган ва ушбу туманларда (ҳудудларда) ўз фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар:

Жисмоний шахслардан олинадиган **даромад солиғининг қатъий белгиланган суммасини тўлашдан 2024 йил 1 январга қадар** бўлган даврда **озод қилинади**.

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

**30.12.2022 йилдаги ПФ-287-сон Фармонга асосан 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар:**

***5-тоифадаги туманларда*** *рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган ЯТТлар жисмоний шахслардан олинадиган* ***даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини тўлашдан озод қилинди.***

**Ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб тоифаларга ажратилган Ўзбекистон Республикаси шаҳар ва туманларининг**

**РЎЙХАТИ**

| Т/р | Ҳудудлар номи | Шаҳар ва туманлар |
|---|---|---|
| 5-тоифа | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | Бўзатов тумани |
| 2. | | Кегейли тумани |
| 3. | | Қонликўл тумани |
| 4. | | Мўйноқ тумани |
| 5. | | Тахтакўпир тумани |
| 6. | | Шуманай тумани |
| 7. | Андижон вилояти | Бўстон тумани |
| 8. | | Улуғнор тумани |
| 9. | Жиззах вилояти | Арнасой тумани |
| 10. | Қашқадарё вилояти | Деҳқонобод тумани |
| 11. | Навоий вилояти | Томди тумани |
| 12. | Наманган вилояти | Мингбулоқ тумани |
| 13. | Самарқанд вилояти | Қўшрабод тумани |
| 14. | Сирдарё вилояти | Сардоба тумани |
| 15. | Сурхондарё вилояти | Бандихон тумани |
| 16. | | Қизириқ тумани |
| 17. | | Олтинсой тумани |
| 18. | Фарғона вилояти | Сўх тумани |
| 19. | | Ёзёвон тумани |
| 20. | Хоразм вилояти | Янгиариқ тумани |

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

**30.12.2022 йилдаги ПФ-287-сон Фармонга асосан 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар:**

*Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига **4-тоифадаги туманлар** бўйича ЯТТ учун қатъий белгиланган миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган **даромад солиғи бўйича 0,5 гача камайтирувчи коэффициент киритиш** ҳуқуқи берилди.*

**Ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб тоифаларга ажратилган Ўзбекистон Республикаси шаҳар ва туманларининг**
**РЎЙХАТИ**

| Т/р | Ҳудудлар номи | Шаҳар ва туманлар | Т/р | Ҳудудлар номи | Шаҳар ва туманлар |
|---|---|---|---|---|---|
| 4-тоифа | | | | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | Амударё тумани | 21. | Самарқанд вилояти | Каттақўрғон тумани |
| 2. | | Нукус тумани | 22. | | Нуробод тумани |
| 3. | Андижон вилояти | Жалақудуқ тумани | 23. | | Пахтачи тумани |
| 4. | | Избоскан тумани | 24. | | Пайариқ тумани |
| 5. | | Марҳамат тумани | 25. | Сирдарё вилояти | Боёвут тумани |
| 6. | | Пахтаобод тумани | 26. | | Гулистон тумани |
| 7. | Бухоро вилояти | Вобкент тумани | 27. | | Сайхунобод тумани |
| 8. | | Жондор тумани | 28. | | Ховос тумани |
| 9. | | Олот тумани | 29. | Сурхондарё вилояти | Бойсун тумани |
| 10. | | Пешку тумани | 30. | | Музработ тумани |
| 11. | | Шофиркон тумани | 31. | | Узун тумани |
| 12. | Жиззах вилояти | Бахмал тумани | 32. | | Шеробод тумани |
| 13. | | Янгиобод тумани | 33. | | Шўрчи тумани |
| 14. | Қашқадарё вилояти | Қамаши тумани | 34. | Тошкент вилояти | Бекобод тумани |
| 15. | | Миришкор тумани | 35. | | Бўка тумани |
| 16. | | Муборак тумани | 36. | | Пискент тумани |
| 17. | | Нишон тумани | 37. | Фарғона вилояти | Фурқат тумани |
| 18. | Навоий вилояти | Конимех тумани | 38. | Хоразм вилояти | Қўшкўпир тумани |
| 19. | | Хатирчи тумани | 39. | | Хива тумани |
| 20. | Наманган вилояти | Норин тумани | 40. | | Янгибозор тумани |

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР ТОМОНИДАН ИЖТИМОИЙ СОЛИҚ ТЎЛАШ

*Янги рўйхатдан ўтган ЯТТлар солиқни* ***давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан*** *эътиборан тўлайдилар*

| | |
|---|---|
| 1) Якка тартибдаги тадбиркорлар | Ойига **БҲМнинг 1 бараварида**н кам бўлмаган миқдорда |
| 2) ЯТТ ёлланма ходими | Ойига **БҲМнинг 50 фоизи** миқдорида |

*Белгиланган миқдордаги солиқнинг тўланиши* ***меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда 1 йил деб ҳисобга олинади.***

**2022 ЙИЛ 30 АВГУСТДАГИ ПҚ-366-СОНЛИ ҚАРОРГА АСОСАН:**

2023 йил 1 январдан бошлаб ЯТТларнинг ёлланма ходимлари **йилига** базавий ҳисоблаш миқдорининг камида **бир баравари миқдорида** ижтимоий солиқ тўлайди.
(Бундан савдо мажмуалари ва бозорларда фаолият юритаётган ЯТТ ёлланма ходимлари мустасно).

*Ёшга доир пенсиянер, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ЯТТлар учун солиқ миқдори унинг белгиланган* ***энг кам миқдорининг камида 50 фоизи*** *миқдорида*

| | | |
|---|---|---|
| **«Ҳунарманд» уюшмасининг аъзоси бўлган ҳунармандчилик фаолияти субъектлари** | **Мажбурий тартибда** | **Йилига БҲМнинг камида бир баравари миқдорида** |

***Ёшга доир пенсия ва нафақа олувчи ҳунармандчилик фаолияти субъектлари*** *бўлган «Ҳунарманд» уюшмасининг аъзолари* ***солиқ тўлашдан озод*** *этилади*

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ $480^{2}$-МОДДАСИГА АСОСАН:




Солиқ кодексининг **$480^{1}$**-моддасига асосан солиқ солишнинг алоҳида тартиби қўлланиладиган алоҳида ҳудудлар:

Фарғона вилоятининг:

-Сўх тумани;

- Риштон туманининг Чўнғара маҳалласи;

- Фарғона туманининг Шоҳимардон, Ёрдон маҳаллалари ва Ҳосилот маҳалласининг Тоштепа - 2 кўчаси.

Солиқ кодексининг **$480^{2}$**-моддасига асосан ушбу ҳудудларда солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

**2) ижтимоий солиқ бўйича:**

Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳудудларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ЯТТлар учун - **йилига** БҲМнинг **камида бир баравари** миқдорида тўланади.

# ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ
# УЧУН
# РАҲМАТ